

▼ Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

ОБИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Вилоятимизга Сув захиралари ва ирригация вазири Нуржан Нуржигитов хизмат сафари билан ташриф буюриб, минтақа раҳбари Дархан Сатибалди билан учрашди. Унда обикор деҳқончилик ва ичимли сув масалалари муҳокама қилиниб, ҳамкорликда ишлашга келишиб олишди.

– Туркистонга хуш келибсиз! Маълумки, минтақада обикор деҳқончилик ва ичимли сув муҳим аҳамият касб этади. Вилоят аҳолисининг 90 фоизга яқини қишлоқларда истиқомат қилади. Асосий даромад манбаи – қишлоқ хўжалиги. Шунинг учун деҳқонларга зарур обиҳаёт масаласини ҳал қилиш долзарб, – деди Дархан Сатибалди.

Сув захиралари ва иррига-

ция вазири уч кун бўйи Чордара, Жетисай, Мақтаарал, Келес, Сариеғоч, Қазигурт туманлари ҳамда Туркистон ва Арис шаҳрларидаги сув иншоотларини кўздан кечирди.

– Мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида оқар сувни тежаб, унумли фойдаланиш муҳим. Сув иншоотларини таъмирлаш, каналларни тозалаш зарур. Минтақада ичимли сув бўйича ҳам муаммолар мавжуд.

Уларни босқичма-босқич ҳал этишимиз керак, – деди вазир.

Вазирга вилоятимизда сув хўжалиги тизимини созлашнинг 2023-2030 йилларга мўлжалланган Йўл харитаси тақдим этилди. Агар ушбу режа республика бюджетидан молиялаштирилса, 3та янги сув омбори қурилиб, 17таси таъмирланади. 12,2 минг гектар янги обикор майдон ўзлаштирилади, 250 минг гектар обикор ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. 250 мингга яқин аҳоли тоза ичимли сув билан таъминланади. Каналлар, тўғонлар, сув қувурлари таъмирланади. Умуман олганда, Йўл харитасига 58та лойиҳа киритилган.



«АРМАНДА» РАҲБАРЛАРИ ТАШРИФ БУЮРИШДИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди «Арманда» республика анжуманини ўтказиш учун Туркистон шаҳрига ташриф буюриб, таниқли медиа-менеджер Арман Давлетьаров ва жамоатчилик фаоли, таниқли журналист Лайла Султанқизи билан учрашди.

Минтақада оила қадриятини тарғиб қилиш, фарзанд тарбияси ва жисмоний тарққиёт масалалари муҳокама қилинган тadbир раҳбарлари янги ташаббуснинг асосий мақсадлари билан ўртоқлашдилар.

Лайла Султанқизи жамиятда хотин-қизларнинг гендер тенглиги ҳақида фикр юритди. Учрашувда оилавий қадриятларни омалаштириш, дин ва миллий анъаналарни уйғунлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Жорий йил октябрь-декабрь ойларида анжуман иштирокчилари вилоятдаги болалар ва қариялар уйлари, шунингдек, бошқа ижтимоий муассасаларга ташриф буюришади. Шунингдек, талабалар ва кам таъминланган оилалар билан учрашувлар ҳам режалаштирилган.

СОҒЛИКНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАДА



Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 9 ойда амалга оширган ишлари сараланган мажлис ўтди. Йиғинда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Б. Тажибаев, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбари Асхан Байдувалиев ва тиббий муассасаларнинг раҳбарлари ҳамда шифокорлар иштирок этди.

Тadbирда аҳоли соғлигини яхшилаш йўналишидаги ишларни тизимлаштириш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳолини ҳамёнбop тиббиёт билан таъминлаш, профилактик тиббиётни ривожлантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, дастлабки тиббий-санитария ёрдамни пухталаш масалалари, режалар муҳокама қилинди.

Тadbир нияҳосида Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли ва хусусий тиббий муассасаларнинг раҳбарларига кўтарилган масалалар юзасидан ишни жонлантириб, тиббиёт соҳасидаги хизмат соҳасини яхшилашни топширди.

ЖЕТИСАЙГА САРМОЯДОРЛАР КЕЛДИ

Жетисай туманининг ҳокими Серик Мамитов БАА ва Нидерланд мамлакатидан келган делегацияни қабул қилди.

Таркибида туман раҳбари “Hobyо ptroleym and mining company” Нидерланд компаниясининг бош директори А. Алихажи ва БААдан Ж. Алобейдли, “Қаршыға” деҳқон хўжалиги раҳбари П. Бахтиярлар бўлган делегацияни туманнинг иқтисодий салоҳияти билан таништирди.

Учрашув сўнггида делегация аъзолари Мақтали қишлоқ округидаги “Мақтали Агро” МЧБ тасарруфидаги пахта заводидаги фаолияти билан танишди.



ДАСТЛАБКИ БАДАЛ – 10 ФОИЗ



Туркистон вилояти “Отбасы банк” ХЖ директори ўринбосари Даурен Мирзатаев квартира олиш учун дастлабки бадал 10 фоизга камайганлигини маълум қилди.

– Янги концепция аввалги “Нурли ер” дастури ўрнида қўлланилади. Унда дастлабки бадал пули 20 фоиз бўлса, ҳозир 10 фоизни ташкил қилади. Бундан ташқари, даромади эътиборга олинмайди. Энг асосийси, сўнгги 6 ойда узлуксиз даромад манбаи бўлиши зарур. Уй навбатида турган фуқароларга 5 фоиз билан берилади. Улар маълум ижтимоий тоифага мос келса, насияни 2 фоиз билан ҳужжатлаштириши мумкин. Фақат оила аъзоларида сўнгги 5 йилда мамлакатимизда кўчмас мулки бўлмаслиги керак. Ариза www.otbasybank.kz сайти орқали қабул қилинади, – деди Даурен Серикқалиули.

Брифингда вилоят қурилиш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Абай Турханов минтақада барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 866,4 минг квадрат метр уй фойдаланишга топширилишини маълум қилди.

Туркистон вилояти ташкил этилгандан буён 2018-2023 йилларда навбатда турган 6303 оила коммунал уй билан таъминланган.



КЎП БОЛАЛИ ОНАНИНГ ТИКУВ ЦЕХИ

Келес тумани, Ақтўбе қишлоқ округида истиқомат қилувчи Гулзат Ёсалиева болаларини тарбия қилиш билан бирга тadbиркорлик билан ҳам шуғулланади. Беш фарзандни тарбиялаётган Гулзат Тағайбек қизи турмуш ўртоғи билан Ғ. Муратбаев номли 40-сонли мактабда ўқитувчилик қилади. У тикувчилик цехини очиб, кўшимча даромад олмақда.

– Оиламизнинг иқтисодини юксалтириш мақсадида тикувчилик цехини ишга туширдик. 12 нафар маҳалладошимизни ишга олдик. “ABDET – KZ” МЧБ номи остида фаолият юритиб, давлат портали орқали буюртмаларни қабул қиляпмиз. Асосий маҳсулотимиз – жалюзи. Сентябрь ойида «Қозоғистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот» сертификатига эга бўлдик, – дейди ишбилармон Гулзат Тағайбек қизи.

Тadbиркор ўтган ойда 40 миллион тенгелик буюртма олган. У ишчилар сонини кўпайтириб, махсус иш кийимлари, қўлқоп, пайпоқ ва кийим-кечаклар тикишни кўзламақда.

ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, сармоя жалб этиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида Туркистон вилояти делегацияси таркибида Хитой Халқ Республикасида хизмат сафарида бўлди.

Дастлабки куни туман ҳокими А. Сабитов Шаньдун вилоятининг Личчын шаҳри маъмурияти ва ишбилармон доиралари вакиллари билан ўтган учрашувда иштирок этди. Ташриф чоғида делегация аъзоларини таништириб, А. Сабитов туманга сармоя киритиш самарадорлигига бағишлаб тақдирот ўтказди.

Келгуси куни меҳмонлар Хитойнинг энг йирик компанияларидан бири – “TI Drill” корхонаси фаолияти билан танишдилар. Мазкур корхонада бурғулаш дастгоҳлари ва магнитли кранлар учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Делегация аъзолари “TI Drill” компанияси вакилларини туманнинг хомашё салоҳияти билан таништириб, Сайрам туманида мазкур корхонанинг филиалини ҳамкорликда очишни таклиф этишди. Шундан сўнг Туркистон вилояти тadbиркорлик ва саноат бошқармаси вакиллари ҳамда Сайрам тумани ишбилармонлари “Linqing Sanhe Textile Group Co., Ltd” компанияси фаолияти билан танишдилар.

Корхона пахтани қайта ишлаш, йигириш, газлама ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар (кийим-кечак, газлама, уйинчоқ ва ҳоказо) тикишга ихтисослашган. Корхонада ойига 60-80 минг тоннагача пахта қайта ишланади. Делегация аъзолари қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Zhongye Paptr Industry Yinhe Co., Ltd” корхонаси вакиллари билан учрашиб, Сайрам туманининг импорт-экспорт салоҳияти, ишбилармонлик муҳити билан таништиришди. Вилоятда қўшма корхона очиш, шунингдек, зарур хомашё манбаларини ўрганиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш борасида келишувга эришилди.

Ташрифнинг учинчи куни туман ҳокими А. Сабитов сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Rutai Dairy Industry” корхонасида бўлди. Ҳозир корхонада 5 минг бош зотдор қорамол бор. ХХР тadbиркорларининг таъкидлашича, сут бевосита заводга етказилиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Делегация аъзолари сутни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тажриба алмашдилар.

Бугунги кунда Сайрам туманида сут маҳсулотлари корхонаси ташкил этилган. Ташриф чоғида корхона раҳбарлари сутни қайта ишлаш соҳасида ўзлари фойдаланган ускунанинг самарадорлигини ўрганиб, асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича маълумот олишди.

Туркистон вилояти делегацияси хизмат сафарини ХХР Шаньдун вилоятининг йирик саноат шаҳри – Ляоченда давом эттирди.

Ляочен шаҳрида Ляочен ва Линьцин шаҳар маъмурияти раҳбарлари ва саноат корхоналари иштирокида йиғилиш ўтди. Унда Туркистон вилоятининг иқтисодий салоҳияти ва сармоявий имкониятлари тақдим қилинди. Шунингдек, туман ҳокими А. Сабитов ташаббуси билан Сайрам тумани билан ХХРнинг Шаньдун ўлкаси ўртасида ҳамкорлик, иқтисодий, савдо ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик меморандуми имзоланди

Сайрам тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



ДИН ПЕШВОЛАРИ УЧРАШДИ

Туркистон шаҳрида дин соҳаси етакчилари иштирокида ўтган тадбир 18 октябрь – Маънавий тотувлик кунига бағишланди.

Уни вилоят диний ишлар бошқармаси раҳбари Рустем Сабиржанули олиб борди. Учрашувда эл-юрт бирлигини мустаҳкамлаш, динлараро муносабатлар ва маънавий барқарорлик масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМАДА



Вилоят ҳокими Д. Сатибалдининг топшириғига биноан таълим муассасаларининг иситиш мавсумига тайёрлиги қатъий назорат остида. Шу муносабат билан Жетисай туман таълим бўлими тасарруфидаги 95та муассасадан 55таси иситиш мавсумига тўлиқ тайёр, 40тасида турли камчиликлар аниқланган. Уларни бартараф этиш учун туман таълим бўлими тежалган маблағ ҳисобидан зарур анжомларни харид қилмоқда.

Туман ҳокими Серик Мамитов муаммоли мактабларга ташриф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Натижада 4та мактабнинг иситиш тизимига оид ишлар олиб борилмоқда, 6та мактабда эса иситиш қозонхоналарини қаттиқ ёқилгидан (кўмирдан) табиий газга ўтказиш юзасидан тегишли ишлар бошланди.

Аниқланган камчиликлар учун масъул тармоқлар раҳбарларини огоҳлантирган туман ҳокими натижани назоратга олганини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИНАДИ

Вилоят тадбиркорлар палатасининг «Агро маслахат маркази» раҳбари Нурлибек Бўранбаев ва агросаноат мажмуаси бўлими раҳбари Бақитжан Қуралбаев Чордара тумани Оқолтин қишлоғига ташриф буюриб, тадбиркор Бахит Танағзовнинг даласига борди. Мазкур деҳқон хўжалиги 20 гектарда "сорго" етиштирмоқда.

Бугунги кунда хўжаликда дастлабки ўрим-йигим авжида. Экин майдонларидан 3 марта комбайн ёрдамида 300 центнерга яқин ҳосил олиш режаланган. 4 гектар ерга қовоқ экилган.

Жорий йилда тадбиркор улкан муваффақиятларга эришишга бел боғлаган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚИШЛОҚЛАР ЧИРОЙ ОЧАДИ

Маълумки, Давлат раҳбари Қ. Тўқаев жорий йилги «Адолатли Қозоғистоннинг иқтисодий йўналиши» Мақтубида маҳаллий ҳокимликлар зиммасига шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини замонавийлаштириш, шунингдек, ободонлаштириш жадаллаштириш вазифасини қўйди. Сайрам туманида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот олиш мақсадида туман қурилиш, меъморчилик ва шаҳар қурилиш бўлими раҳбари Б. Мўминжоновга мурожаат қилдик.



– Сайрам тумани ҳокими А. Сабитовнинг топшириғига биноан тумандаги барча аҳоли манзилларида ноқонуний, «қизил чизик»даги, шунингдек, мақсадсиз қурилган иншоотларни бузиш давом эттирилмоқда, – деди Баҳром Маҳкамжон ўғли. – Ноқонуний қурилишлар, «қизил чизик»даги, мақсадига мос келмаган жами 19та иншоот бўйича маълумотлар олинди.

учун Туркистон вилоят назорат бошқармасига юборилди.

Қорамурт қишлоқ ҳокимлиги томонидан Қорамурт ва Низомобод қишлоқларидаги марказий кўчаларда жойлашган 6та бионинг қурилиши ҳужжатларсиз олиб борилгани аниқланиб, чора кўриш учун Туркистон вилоят назорат бошқармасига юборилди.

Қорасув қишлоғи Ипак йўли кўчасида «қизил чизик»да жойлашган

борилмоқда. Ипак йўли кўчасидаги 6та савдо иншооти олдида жойлашган шийпонлар олиб ташланди ҳамда уларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш учун тадбиркорга эскиз лойиҳаси тақдим этилди.

Ипак йўли, Абилайхан, Бекет батир ва Пратов кўчаларидаги «қизил чизик»да жойлашган жами 7та иншоот бузилиб, 8та иншоот эгалари ихтиёрий равишда бузиш борасида огоҳлантирилди.

Манкент қишлоғининг Алмати ва Айнабулақ кўчаларидаги «қизил чизик»да жойлашган жами 7та иншоот бузилиб, 2та иншоот эгаси огоҳлантирилди. Манкент қишлоқ ҳокимлиги томонидан 2та қурилиш иншоотида қонуний ҳужжатларсиз қурилиш ишлари олиб борилганлиги аниқланиб, тегишли чора кўриш учун вилоят назорат бошқармасига ва ер захиралари бошқармасига йўлланди.

Эслатиб ўтамиз, тадбиркорлар «қизил чизик»да жойлашган биноларни ихтиёрий равишда бузмаса, иш судга ўтказилади. У ҳолда тадбиркор қонунга мувофиқ, 1,5 миллион тенге жарима тўлайди.

Мухтасар қилиб айтсак, ушбу тадбирлардан кўзланган мақсад – қишлоқларимизни ободонлаштириш, аҳоли учун қулай шароитлар яратиш. Шунинг учун ҳам қўрилаётган чораларни ҳамюртларимиз тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлашларига ишонамиз.

З. АҲМАДЖОНОВ
суҳбатлашди.

САҲНАДА – “КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛONI”

МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРИ III МАВСУМНИ ЯНГИ ПРЕМЬЕРА БИЛАН БОШЛАДИ

Туркистон муסיқали драма театрида таниқли ўзбек ёзувчи-драматурги Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” спектаклининг III мавсуми очилиши ҳамда янги премьерасига бағишланган матбуот анжумани ўтди.



Унда спектакль муаллифи ва сахналаштириш режиссёри – Даурен Сергазин ва спектакль қаҳрамонлари – Бақит Хажимаев, Айжүлдиз Адайбекқизи, Алимхан Мирзахан, Айя Дарибаева ҳамда Ануарбек Ақ-Султан иштирок этди. Учрашув давомида янги спектакль ҳақида гапириб, театр томошабинлари ва ОАВ вакиллари қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Шунингдек, янги мавсумга қизғин тайёргарлик кўрилаётганини таъкидлади. Ўзининг кино санъати билан оммага танилган Айжүлдиз Адайбекқизи эса театрдаги дадил қадами осон бўлмаганини, тавakkал қилишга қарор қилганини, янги Тур-

кистоннинг кўринишидан ҳайратини яширмади. Театрнинг ёш актёри Ануарбек Ақ-Султан бу асар “Беу, қыздар-ай” спектаклидан кейинги иккинчи комедия эканлигини, тайёргарлик жараёнида ёш режиссёр ҳамда кино ва санъат ижодкорларидан катта тажриба ортирганини айтди.

Асарни қозоқ тилига Асқар Сулейменов таржима қилган. Дунёнинг 14 давлатида сахналаштирилган ва кино соҳасида салмоқли асарга айланган бу асар 40 йилдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон шаҳридаги “Буюк дашт эли” марказида Халқаро “Voice of Turan-2023” қозоқ қўшиқлари фестивалининг қуръа ташлаш маросими ўтди.

ФАРОВОН ЮРТГА КУЙ-ҚЎШИҚЛАР ЯРАШАДИ



Хонандалар ўз рақамларини навбат билан танлади. Тадбирда вилоят маданият ва халқ ижодиёти маркази директори, ушбу лойиҳа продюсери Мейиржан Алиакбаров иштирок этиб, танлов иштирокчиларига муваффақият тилади. Туркистонда бу йил тўртинчи бор ташкил этилган халқаро қўшиқ танловида Европа ва Осиё мамлакатларидан сара номзодлар ўзaro куч синашди.

Машҳур санъаткорлар, бастакор ва продюсерлардан иборат ҳакамлар ҳайъати ғолибларни эълон қилиб, уларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИМОМЛАР ЎРТАСИДА СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Жетисай туманида «Маънавий тотувлик – барқарорлик таянчи» мавзуида масжид имомлари ва жамоатлари ўртасида кичик футбол, стол тенниси ва аркон тортиш бўйича вилоят спорт мусобақаси уюштирилди.



Туман ички сиёсат бўлими ҳамда «Нуғман» марказий масжиди, туман маданият, тиллари ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими томонидан ташкил этилган тадбир 25 октябрь – Республика кунига бағишланди.

Мусобақада туманга қарашли шаҳар ва қишлоқлардан 17та жамоа иштирок этди.

Ўйин натижаларига кўра футболдан учинчи ўрин Жетисайдаги “Нур-Жетисай” масжиди жамоасига насиб этди, иккинчи ўринни “Нур-Алла” масжиди имомлари эгаллади. Биринчи ўрин “Асиқата” масжиди жамоасига буюрди.

Стол теннисидан учинчи ўринни Данияр Мирзамуратов, иккинчи ўрин – Қуаниш Қидирья, биринчи ўринни Ерасил Жумабай эгаллади.

Мусобақа якунида туман ҳокимининг ўринбосари Марат Фаритули илғор жамоаларга ва турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган алоҳида шахсларга, туманда самарали меҳнат қилаётган имомларга ташаккурнома ва дипломлар, қимматбаҳо совғалар топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



АДАБИЁТ – ҚАЛБ ҚАНОТИ

Дарҳақиқат, адабиёт – қалб қаноти. Ва лекин у сўздан яралган. Муҳаббатдан, меҳрдан, тиниқ туйғулардан яралган қанот. Унинг манзили – қалбдан қалбга, дилдан дилга йўл. Ахир одамзод юрмай етадиган ағона манзил, бу – кўнгил.

Яна комил ишонч билан адабиётни қалб чашмасига менгаш мумкин. Фақат сўз саодатидан, сўз азобидан яралган чашмадир бу. У аввал зарра-зарра, том-томчи, кейин шилдир-шилдир, тошқин-тошқин, жўшқин-жўшқин оқади. Унинг ўзаги – қалб. Унинг кўзлаган манзили ҳам қалб. Чунки яхши сўз, яхши ниятгина қалбни тўлқинлантиради. Эзгу сўзгина қалбни дарёга, уммонга айлантиради.

Шеърни, ғазални, достонни, ҳикояни, қисса ёки романи ҳам қайсидир миллатга мансуб бир инсон яратади. Аммо бу яратиклар ўзининг гўзаллиги, ҳикмати, маъно-моҳияти, таъсир кучи, қудрати ила умуминсониятнинг, халқларнинг беназир бойлигига айланади. Бойлик бўлганда ҳам, ўтда куймайдиган, сувда чўкмайдиган бойлик бўлади. Токи одамзод яшар экан, бу маънавий мерос адабиётга ошuftа хар бир қалбнинг, хар бир юракнинг сўздаги нури, ўздаги кўри бўлади. Ана шу нур дилларда порлаб тураркан, яхшилик ашйаверади, эзгуликка даъват ортаверади. Одамлар бир-бирига сўз орқали кўзуга айланади. Буюк Чўлпон бобомизнинг биргина ибораси билан айтганда, «Адабиёт яшаса – миллат яшайди».

Яшаётган миллат – бу яшаётган она тилимиз. Яшаётган Ватан, халқ, шу тилдан, шу миллатдан ифтихор. Ўз миллатидан ифтихор қилиш бахти, туйғуси нақадар ҳузурубаш. Шукрим, бугун ўзбек миллати ана шу тотли туйғу оғушида. Биргина Навоий бобомиз номидан таралаётган нур – туркий тил соҳибларининг, хусусан, ўзбекларнинг ўзлигидаги фахр, тилидаги, дилидаги сарбаландлик! Бугун ўзбек тили Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона сиёсати, журъати, миллатпарварлиги боис Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбарига тақорор-тақорор жарангламоқда. Дунё афкор оммасини ўзбек тилида уйғотишга, кўзини очшига чорлаётган Юртбошимизга ҳар қанча ташаккур, таҳсин айтсанг камдек туюлаверади. Унутмаслик керакики, бу тилда ўз волидасидан нафақат Навоий ҳазрат, балки Имом Бухорий, Амир Тему́р, Мирзо Бобур, Ибн Сино, Беруний, Улугбек Мирзо ҳам аллалар эшитган, шу тил оғушида камол топган. Бу камолот – дунё илм-фани тараққиётига мислсиз ҳисса қўиши, икки Ўйгонишга бешик бўлиш билан ўлчанишини эътироф этсак, томирлар титрайди, қалблар ифтихорга бурканади. Бу алоҳида мавзу, албатта.

Чунки биз суҳбатимиз аввалини адабиётнинг қардошлар, дунё халқлари ўртасидаги ўрни, эзгу юмуши хусусида бошлаганик ва уни мамнуният ила давом эттирамиз.

ОҒАЛИКНИНГ АВВАЛИ – ҚАДР

Бир инсон ёлғиз яшаб, бир оила тўрт девор ичидан ташқарига чиқмай, қолаверса, бир миллат аҳли дунёдан айро яшаб, ҳеч қачон бахтли бўлган эмас. Халқимизда «Йўқча гуруч ош бўлур, меҳмон кўнгли хуш бўлур» деган мақол бор. Бу нафсининг садоси. Аммо кўнгил, қалб отлиг хилқатнинг ҳам таоми борки, унинг номи Меҳр, унинг номи Қадр! Меҳр меҳрға, қадр қадрга, муҳаббат муҳаббатга йўл очади. Шу боис бу дунёда «Меҳрга тўйдим» деган онгли инсонни топиш мушкул. Қадр кўрган одамнинг кўкси эса тогдек юксалади, яшагиси, кўпроқ меҳнат қилгиси келаверади!

Ҳар бир миллатнинг олиму фозиллари, адабиёт ва санъат аҳли бугун ноёб бўлиб бораётган шу гўзал туйғуларнинг қароғбонлари ҳисобланади. Чунки адабиёт кўнглиларро ташланган кўприк, меҳрдан, муҳаббатдан тиниқлашган кўзгу. Илм – ақлнинг ақлга тутган чироғи. Шу боис ҳам қадимда улуг қардошларимиз боболаримиз билан ёнма-ён яшаб, бир-бирларини таржимасиз тушунишган, туркий эканлигини унутишмаган. Улардан мерос қолган ўлмас қадриятлар бугунги авлодлар қалбларида иймон, эътиқод, одамийлик, ватанпарварлик каби фазилатларнинг шаклланишида дастуриламал бўлмоқда, десак, янглишмаймиз. Табиийки, бу ижод аҳлига битмас-туганмас илҳом бахш этади.

Бу дунёни асраб бўлмас кўз-ёш билан,
Тонг жамоли қулиб чиққан қуёш билан,
Халқлар асли халқ бўлғайдир қардош билан,
Ўзбекман деб санасам, беш бармоғимни,
Қўрдам туркман, озар, қирғиз, қозоғимни.
Албатта, тили бир, дини бир, урф-одатлари эгиз барча туркий халқлар билан қавм-қариндошлик, дўст-биродарлик муносабатлари тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Айниқса, қардош қозоқ халқи билан азалдан ёнма-ён яшаб, қудда-қудгай бўлиб, яхши-ёмон кўнларида дилдошлик қилиб, аҳил-иноқ ҳаёт кечириб келямиз. Табиийки, бу эзгу амалларнинг тамал тошини буюк бобокалонларимиз қўйган. Улар ҳар бир ишда елкадош бўлишган. Шунинг учун қозоқ халқининг улуг шоири Абай ҳазрат Навоийни ўзининг устози деб билган ва юксак эҳтиром кўрсатган.

Бу икки халқнинг буюк ижодкорлари ўз миллати, ўз тили, ўз элини улуг тутган. Фақат эзгуликка қачирган. Шу ўринда Навоий бобомизнинг мана бу ўғитини келтириш ўринли:

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар нечаки ағёр дурур, уни ёр айлар.
Сўз қаттиғи эл кўнлига озор айлар,
Юмшоғи кўнглиларни ғирифтор айлар.

Қозоқ халқининг ардоқли оқини Абай айтди:

Мен ўланни айтмайман эрмак учун,
Ўтган-кетган гапларни термак учун.
Мен ўланни айтаман тушунганга,
Авлодимга бир сабоқ бермак учун.

Шукрим, ҳар икки халқнинг бугунги авлодлари ана шу сабоқлар оғушида. Бу дўстлики Ғафур Ғулом билан Собит Муқондек асраб-авайлаш, тарғиб этиш бурчимиз. Чунки қардошлиқнинг қадрига ўзбек адабиётининг Ойбек, Уйғун, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Носир Фозилов каби адиллари етишган ва издошларини ҳам шу эзгу анъанани давом эттиришга чорлаган.

Табиий савол туғилади, бугун бизлар улуг ажодларимиз боғлаб кетган меҳр-оқибат ипларини маҳкам тутга оляймизми?

Шубҳасиз, кайинги етти йилда бу борада амалга оширилган эзгу ишлардан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Ҳар икки давлат раҳбарларининг халқларимиз тинчлиги, фаровон турмуши, дўстлиги, бирлиги йўлида собитқадамлик билан олиб бораётган сиёсати эътирофга, таҳсинга лойиқ.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзлари фикримизнинг тасдиғи бўла олади: «Биз минг йиллар давомида қозоқ халқи билан яхши қўшни бўлиб, биргаликда ёнма-ён яшаб келганмиз. Бизни умумий тарих, урф-одат ва маданият боғлаб туради. Келажагимиз ҳам ўзаро чамбарчас боғлиқдир».

Қозоғистон Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг қуйидаги фикри ҳам икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстлик, қардошлиқнинг амалдаги ижросидир: «Биз доимо ўзбекларни ўзимизга қон-қардош билганмиз ва шундай ҳисоблашда давом этамиз. Ўзбек халқи ҳам бизга нисбатан шундай илқ туйғулар туюётгани бизга яхши маълум. Қардош халқларимизни ягона тақдир ва умумий келажақ боғлаб туради».

Давлат раҳбарлари таъкидлаганларидек, ҳар икки халқ ўртасидаги мустаҳкам дўстлик адабиёт йўналишида ҳам эътироф, эъзозга мушарраф бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 13 мартда қабул қилган «Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисидаги қарорига асосан мамлакатимизнинг ўрта ва олий таълим масканларида улуг қозоқ шоирининг ижодига бағишланган танловлар, маърифий тадбирлар ўтказилди ва ҳамон ўтказилмоқда. Ҳар йили 10 августда Ўзбекистонда улуг қозоқ шоири Абай таваллуд кўни нишонланади. Тошкент шаҳридаги шоир ҳайкали пойида адабий-маърифий тадбир ўтказилиб, гуллар қўйилади.

2022 йил 10-11 ноябрь кўнлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ТУРКСОЙга аъзо давлатлар раҳбарларига «Туркий адабиёт дурдоналари» 100 жилдик асарлар мажмуаси совға қилинди. «Туркий адабиёт дурдоналари» мажмуасининг 10 жилди қозоқ адабиёти намуналарига ажратилгани қозоқ ижодкорларининг олқисиға, эътирофига сазовор бўлди. Ундан мумтоз қозоқ адабиёти намояндалари асарлари, бугунги даврда етакчи бўлиб турган қалам соҳибларининг дурдона битиклари ўрин олган.

Мажмуа учун Ўлжас Сулаймоннинг «Аз и Я» асари, шоирлар Сакен Сайфуллин, Илёс Жонсўғуров шеърлари, ёзувчилар Ғабиден Мустафин, Бовуржон Мўмиш ўғли асарлари махсус таржима қилинди.

Яна алоҳида икки жилдда замонавий қозоқ шеърляти ва насри анталогияси чоп этилди. Анталогиялар учун материаллар Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилди. Унга замонавий қозоқ адабиётида муносиб ўрнини топган 91 нафар шоирнинг шеърйи намуналари, 46 нафар ёзувчининг ҳикоялари киритилган.

Бу эзгу ишлар сўздан яралган кўнгил чашмаларининг қардош қалблар дарёсидаги мавжидир, десак, арзийди.

ОЛМАОТАНИНГ ЎЗ ОЛАМИ

Қайсики қалам соҳиб ижодкорликини тақдир инояти деб билса, умрини қўл урган ишига бусбун бахшида этса, шу соҳада ўз мактабини яратиш бахтига муяссар бўлса, аввал ўзининг, кейин ўзга элу элатларнинг ардоғида бўлади, ҳурматини қозонади.

Қозоқ халқининг, адабиётининг атоқли намояндаларидан бири, қозоқ насрида ўз ўрнига эга, детектив жанри асосчиси, ўз даври нафаси ва талабларини яхши билган ҳамда ижодида теран акс эттира олган адиб Камол Тўқаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Олмаота шаҳрида бўлиб, юртимизга қайтиш бизга ҳам насиб этди.

Соат 6:00да Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ҳамроҳим – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, таниқли шоир Минҳожиддин Мирзо билан дийдорла-

шиб, қозоқ қардошларимизнинг самолётидан жой олдик.

Кўп ўтмай мовий само гумбази остида парвоз қилдик. Чамаси, бир соат ўтар-ўтмай, самолётимиз пастлай бошлади. Олмаота шаҳрини кўкдан кузатсангиз, дастлаб гуллар ичида юз очган бўстонга ўхшайди. Аслида эса у бепоен Олатов тоғ тизмаси қуршовидаги ям-яшил шаҳар экан. Бу заминга куз фасли бизга нисбатан эрта келаркан. Оч қизғиш тусга кираётган барваста дарахтлар гўё бизларни «Хуш кўрдик!» дегандек пойимизга тилларанг баргларини сочиб турарди.

Мезбонлар бизни иззат-икром билан кутиб олишди. Улуг ёзувчининг қутлуг санаси тантаналари ташрифи-мизнинг эртаси кўни ўтказилиши режалаштирилгани учун ҳамроҳимиз – Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Қосимхон Бегманов қарийб тўрт соат мобайнида Олмаота шаҳрининг гўзал масканларини, диққатга сазовор гўшаларини зиёрат қилдирди. Яқшанба кўни бўлгани боис маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар худди Зомин, Бўстонлик, Паркент тоғлари бағрига ошиққандек, Олатов тоғлари қучоғидаги оромгоҳларга саёҳат қилишаркан. У ерда кўрганларимиз, кўзга сикмас гўзалликлар, улугворликлар алоҳида мавзу.

Асосий мақсадимиз – қозоқларнинг ардоқли фарзанди, атоқли адиб Камол Тўқаев таваллудининг 100 йиллиги юбилеий хотира-анжуманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вакили сифатида иштирок этиш.

Анжуман 2 октябрь кўни соат 10:00да шаҳар марказидаги улугвор «Дўстлик уйи»да ўтказилди. Рости, сафарга отланаётиб дилимдан: «Биз Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг падаври бузруквори, ўз халқининг машхўр ёзувчиси, ўналб саргузашт қисса ва ҳикоялар муаллифи Камол Тўқаевнинг 100 йиллик юбиле-йига кетяпмиз. У амалдаги Президентнинг отаси бўлгани боис ҳам тадбир шов-шувли даражада, катта доирада ўтказилса керак», деган ўй ўтганди.

Анжуманда сўзлаган қардошларимизнинг гап-сўзларидан англаганимиз шу бўлдики, Камол Тўқаев болалигидаёқ ота-она, жигарларидан айрилиб, етимхонада камолга етган. Сталинграддан бошлаб, то Украина, Беларусь, Польша шаҳарларини фашист босқинчиларидан озод қилишда катнашган. Польшада оғир яраланиб, икки жанговар орден ва кўплаб медаллар соҳиб бўлиб, Ватанига омон қайтиб келган. Хуллас, бир инсон кўриши мумкин бўлган жамки азоб-укубатларни бошидан кечирган камтарин, ватанпарвар, адолатпарвар қалам соҳибининг юбилеий ҳам ўзи каби оддий, самимий ўтди.

Шу ўринда айтиб ўтмоқ жоизки, Қозоғистон раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг «Отам ҳақида сўз» китоби бамисоли бу оила бошига тушган хору зорлиқлар, муомбатларнинг овози бўлиб жаранглайди. Ва ҳар қандай қаҳри қаттиқ ўкувчининг кўзида ёш қалқитади.

Камол Тўқаевнинг ҳам ижодкор сифатида бошига тушган кўргиликлар бу инсоннинг орияти, саботи, иродаси мустаҳкам, қўл урган эзгу ниятидан ортга кечинмайдиган, бир сўзли инсон эканига ёрқин далилдир.

Бугун таниқли адибнинг «Аскар урушга кетди», «Инидан безган қуш» сингари романлари, «Кеча-чи отилган ўқ», «Қасд», «Махсус топшириқ», «Сарғабондда бўлган воқеа», «Рамзли тилла» каби ўнлаб қиссалари қозоқ халқининг ҳар бир хонадонидида китоб жавонларидан муносиб жой олгани бежиз эмас. Камол Тўқаевнинг «Сирли из», «Оқшомдаги қотиллик» қиссалари, шунингдек, қатор ҳикоялари ўзбек тилига ҳам маҳорат билан ўгирилган.

Адибнинг 100 йиллик юбилеий муносабати билан «Дўстлик уйи»да ўтказилган анжуманни Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулқенов бошқариб борди. Мамлакат Президенти табригини Қозоғистон Республикаси Маданият ва ахборот вазири Аида Ғалим қизи Балаева ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, ТУРКСОЙнинг бош котиби Султон Раев, Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Ҳожиматов, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қалибеков, Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, таниқли ёзувчи Дмитрий Шестаков, Қозоғистон Қоҳрамони, Давлат мукофоти соҳиб Дўлат Исабеков, кўплаб олиму фозиллар, академиклар, атоқли ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар чиқишини кузатдик.

Ҳар бир фикрни комил ишонч билан айтамыз-ки, Камол Тўқаев том маънода халқ фарзанди, миллатпарвар, ватанпарвар, беназир истеъдод соҳиб бўлган экан. Оилапарвар, энг муҳими, бетақорор ижодкор сифатида ўзидан ўчмас из қолдирган экан!

Бу анжуманда ташриф буюрган ҳар бир иштирокчининг дилидан кечган ўй бўлди, десак, муболағаси йўқ.



СИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ!

Хўш, бу ҳаваснинг аввали, асо-си нимада? Тан олмоқ керакки, бу Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг оқилона, узокни кўзлаб олиб бораётган сиёсатининг ме-васидир.

Шу ўринда айтмоқ жоизки, агар таъбир жоиз бўлса, юрт раҳбари ўз мамлакатини, ижодкорлари эса халқини эллар оша танитар экан. Зотан, қозоқ халқининг Камол Тўқаевдек ижодкор фарзанди борлиги учун анжуманда нафақат ёзувчининг ўзи, бутун қозоқ халқи шарафланди.

Қолаверса, барча соҳалар қатори ўзбек ижодкорларига яратиб берилаётган бетақорор имкониятлар, шарт-шароитлар учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев шаянига тақорор-тақор таҳсинлар айтилди. Бунга Минҳожиддин Ҳожиматовнинг маърузаси бир неча марта қарсақлар билан бўлиниб тургани ҳам мисол бўла олади.

Айни чоғда қардошларимизга Камол Тўқаевнинг ўзбек тилида, юксак ношрилик андазалари асосида чоп этилган китоби тўхфа этилди.

Келинг, шу ўринда ҳурматли мезбонларимиздан бирининг сўзидан иқтибос келтирай.

Жақип Бауржанов, академик, адабиёт соҳасидаги Халқаро “Алаш” мукофоти соҳиб, шоир:

– Азизлар, тан олайлик, ўзбекистонлик дўстларимиз кўп соҳаларда бизларга ўрнак бўляпти. Ўзбекистон Президенти қадрли Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан чоп этилган «Туркий адабиёт дурдоналари» 100 жилдик асарлар мажмуасининг 10 жилди бизнинг ижодкорларга ажратилгани катта воқеа. Яна қанчадан-қанча ёшларимиз ижодидан қилнаётган таржималар, нашр этилаётган китоблар... Бу яхшиликларни биз қачон қайтариб улгурарканмиз...

Рости, бу каби эътирофлар шу кўни сўзлаган кўплаб ижодкору олимлар тилидан ҳам жаранг сочди.

Қисқача айтганда, Камол Тўқаевнинг 100 йиллик юбилеий тантаналарида биз ёруғ юз, чексиз ифтихор ва шукроналик билан иштирок этиб келдик. Қалбимизда ўзлгимиздан, бирлигимиздан фахрландик. Қозоқларнинг Олатовидек кўксимиз юксалди. Биз, ҳатто қўшни Қозоғистонда ҳам янги Ўзбекистоннинг янги бўй-бастини, янги чехрасини, янги имкониятларини кўрдик. Яратганга ҳар бир он, ҳар бир имкон учун, шундай табарруқ заминда кўз очдиргани, яшатиб-яшнатиб қўйгани учун беҳад ҳамду санолар айтдик.

Дарвоқе, мен анжуманда ўқиган «Қувончлари қўш келди» сарлавҳали шеъримни қозоғистонлик шоира қиз шу қуниёқ таржима қилиб, ижтимоий тармоқларда эълон қилибди. Демак, орзулар, мақсадлар мутаносиб. Ҳар икки қардош халқнинг порлоқ истиқболига ишонч мустаҳкам.

Бизга шеър ярашади, қўшиқ ярашади, тинч-лигимизни, бирлигимизни қуйлаш ярашади. Ўша шеъримни сизларга ҳам илдиним.

Қозоқ қардошим, десам, қулочим қанотланар,
Қадим қадриятлардан юрагим қувватланар,
Навоий, Абай руҳи тиловатдан шодланар,
Туркий деган номи бир ўзбек билан қозоқнинг,
Қаломи, саломи бир ўзбек билан қозоқнинг.

Дўмбирани чертишни қозоқдек қийган борми.
Ўзбек танбур чертганда

Кўз ёшин тийган борми,
Ўтмишига бир боқинг, улардек қуйган борми,
Тарихдан даввоси бир ўзбек билан қозоқнинг,
Оҳ чекса, жафоси бир ўзбек билан қозоқнинг.

Қозоқнинг дили дарё, гарбда Волга дарёси,
Қозоқнинг кўкси тоғдир, шарқда Олтои дунёси,
Бир ёнида таралар Ўзбекистон зиёси,
Саҳроси, ёри туташ ўзбек билан қозоқнинг,
Қалбида қўри туташ ўзбек билан қозоқнинг.

Омонгелди қозоқнинг эрки учун жон тиккан,
Жалопиддин мангуға ўзбек бўлиб шон тиккан,
Ғафуру Собитлари меҳр отлиқ дон эккан,
Улану шеъри бирдир ўзбек билан қозоқнинг,
Ниятда нури бирдир ўзбек билан қозоқнинг.

Қозоқларнинг қизлари оташқалб, қуюқ бўлган,
Ўзбекларнинг қизлари Қумушдек суюқ бўлган,
Чунки ўзбек, қозоқнинг онаси буюк бўлган,
Қозоқлар орлидир ўзбек билан қозоқнинг,
Сафи доим норлидир ўзбек билан қозоқнинг.

Йўллардан ҳам кўнгиладан

тўрлар олиб ташланди,
Қадим қадр тикланиб, кўзлар жиқ-жиқ ёшланди,
Дастурхонда бешбармоқ, палов-тўра ошланди,
Қувончлари қўш келди, ўзбек билан қозоқнинг,
Меҳмонлари хуш келди, ўзбек билан қозоқнинг.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири.
“Халқ сўзи” газетасидан.

БУГУНГИ АВЛОДНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ РАСУЛ ИСЕТОВ
ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Авлодлар бирлиги ва ворисдошлиги – давр ва авлодлар ўртасидаги жонли алоқанинг инъикосидир. 2024 йил баҳорда таваллудига 100 йил тўладиган туркистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони Расул Исетовнинг табдиркор ўғли, жамоатчи обуначимиз, “Тас жол” МЧБ муассиси Олимжон Исетов Исетов тақдифи билан невараси Давлатбекнинг суннат тўйига бағишланган наҳорги ошга Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаоллари билан биргаликда бордик.

Уруш қаҳрамони Расул отанинг бугунги фаровон, осойишта ҳаёт учун жангҳоҳларда қон тўкиб, қаҳрамонлик кўрсатганини муштарийларимиз газетамиз саҳифаларида чоп этилган мақолалардан яхши билишади. Олимжон Исетовнинг ташаббуси ва ҳомилигида, “Жанубий Қозоғистон” газетаси таҳририяти фаол иштирокида падари бузруквори ҳақида яқинда нашр қилинган китобда қаҳрамоннинг замондошлари, ҳамкасблари, Туркистон шаҳрининг барча таниқли зиёлилари Расул ота ҳақидаги самимий фикр-мулоҳазаларини тўлиқ баён этишган.

Давлат раҳбари, вилоят ва шаҳар ҳокимлари, депутатлар, олимлар, давлат арбоблари, хусусан, ёзувчи Қулбек Ергўбек, фахрийлар кенгаши раиси Жарқинбек Қулбайимбетов, ҳамшаҳарлари Баҳодир Ирисметов, Замир Муҳаммаджонов каби инсонлар қаҳрамоннинг уруш йилларидаги жасорати, урушдан кейинги йилларида кўплаб долзарб масалаларни ҳал қилишда, хусусан, тарихий дошқозонни Ленинграддан қайтариб олиб келишга қўшган ҳиссаларини тўлиқ баён этишган.

Олимжон Расул ўғли отаси ўқиган Ҳамза номли мактабнинг юбилейи шарафига шу китобнинг бир неча нусхасини мактаб музейи учун директор Дилбар Дийметовага ҳадя қилди. Туркистонда уруш қаҳрамони номидаги мактаб бор. Саврон тумани Ўранғай



қишлоқ округи ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари ҳамда кўпчилиكنинг муштарак ташаббуси – Расул Исетов номини қишлоқдаги кўчаларнинг бирига берилса, хайрли иш амалга ошиб, бу савобли табдир қаҳрамон таваллудининг 100 йиллигига муносиб тўхфа бўларди. Бу иш бугунги авлод зиммасидаги муқаддас бурчдир.

Мавзуга яна қайтамыз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: табдирдан лавҳа; уруш қаҳрамони хотирасига нашр қилинган китоб.

Муаллиф тасвирлари.

»» Хатларингизни ўқиб...

ДУО БИЛАН ЭЛ КЎКАРАР

Азал-азалдан халқимиз дуо-фотиҳа қилишни қанда қилмайди. Дуо инсонни руҳан тетиклаштириш билан бирга, унинг тилаклари рўёбига йўл очади. Шу боис, ҳар бир ишимиз аввалида ҳам, охирида ҳам дуо қиламиз.

«Дуода гап қўл!», дея таъкидлашади кексаларимиз ҳам. Шу ўринда дуо қилиш хусусида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтишни жоиз топдим.

Тушлик қилиш учун шаҳримиздаги ошхоналардан бирига шерикларим билан кирдик. Биз билан ёнма-ён столда ёшлар ўтиришиб оқатландилар. Улар оқатланиб бўлишгач, дуо қилмай туриб кетдилар. Улардан бири дуо қилиб ўрнидан турғунига қадар қолганлари унга бақириб: «Бўлмайсанми?» «Намунча имилладинг! Ҳудди чолларга ўхшаб дуо қиласан-а?», дейишарди.

Қизик, еган-ичганига шукрона айтиб, дуо қилишнинг нимаси ёмон экан?

Болалигимда раҳматли бобом: «Ўғлим, инсон нимага етишмоқни ният қилса, дуо қилиб сўраса, бас, Яратганининг қарами кенг, у албата, нолаларимизни эшитади», дердилар. Ёшларни тўғри йўлга солиш, оқ-қорани танитиш катталарнинг зиммасида эмасми? Зеро, «Қуш уясида кўрганини қилади».

Қўшнигимизнинг уйда тўй бўлди. Нонуштага кирдик. Элға ош тарқатилгач, хатми Қуръон ўқилди. Ҳамма бирдек қўлларини дуога очган. Ажабланирлиси, ёнимиздаги алоҳида бир хонада ўтирган ёшлари ўттизларни қоралаб қолган бир ғуруҳ кишилар бамайлихотир гурунгини давом эттиришарди. Гўё улардан бошқа инсон йўқдек. Бу ҳам майли, уларнинг олдига бориб, «Биродарлар, дуо қилиняпти, бироз секинроқ...» дейдиган инсон топилмади. Улар шундай бўлса, фарзандлари қандай тарбия топади? Бу ҳақда узоқ ўйладим. Аммо мени ўйлантираётган саволларга жавоб топа олмадим.

Боболаримиз, онахонларимиз қўлларини дуога очиб, юрт тинчлигини сўраб, халққа омон-эсонлик тилаб, фарзандлар иқболини истаб, юзларига фотиҳа тортганларида, дилинг яйраб, ўзининг руҳан тетик ҳис этасан, киши. Зеро, дуо инсонни кўкартиради. Фарзандларимиз, ёшлар онгига ана шу нарсани сингдириб борсақ, улар маънавиятли, тарбияли инсонлар бўлиб камол топадилар.

З. МҶМИНОВ.
Сайрам тумани.

М. ҚОСИМОВА.
Саврон тумани.

»» Адабиётлар дўстлиги – барҳаёт

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ – ЖУЛҚУНБОЙ (МУШТУМ)НИ ХОТИРЛАБ...

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар. Шунга кўра, мавзун мазийдан, яқин ўтган кунлардан, тарихимизнинг энг қирлик, қора кунлари бўлган кейинги “хон замоналари”дан белгиладум”.

Абдулла ҚОДИРИЙ.

Асал ойижонимиз билан суҳбатлашиб ўтирган эдик. Ногоҳон “Абдулла Қодирӣ – Жулқунбой-Муштум”, – деди (нимадандир гап чиқиб)

– Нима? Нима? Ойи, нима дедингиз?

– Абдулла Қодирӣ– Жулқунбой-Муштум.

– Ойи, ким у? Ким ҳақида гапиряпсиз?

Сўнг онахон ёшликларини хотирлаб, гап бошлади.

... 12-13 ёшлардаги жамалак сочли, шўх-шодон бола пайтларимиз.

Шимкент шаҳрининг Гулбўғ (Текстильный) мавзесида катта ҳовлимиз бўларди. Отам Комил бойвачча Турдихўжаев (қассоб, шу даврда, Россиянинг бир қанча шаҳар ва вилоятларига гўшт маҳсулотларини етказиб турувчи) юртимизнинг номи чиққан одамларидан бири эди. Онам (Зулфияхон аям) ҳам уй ишларида чаққон, саришта, бола тарбиясида жуда мулоим, доно аёллардан эди.

Отамиз касблари адабиётдан узоқ бўлса-да, шеър ўқишга, бадий адабиётга қизиқшлари ўзгача бўларди. Шу сабабли бўлса керак, уйимизда тез-тез шеърят, адабиёт шайдолари, шоир, ёзувчи, зиёлилар йиғилиб туришар, ёзган асарлари, ўқиганларидан парчалар айтишарди. Биз, болаларга, бундай мутолаа кечалари, зиёли «катта одамлар»нинг давралари, қизгин суҳбатлари ёқарди. Албатта, даврада бўлаётган бу суҳбатни биз, болалар, эшик ортидан қушардик.

Шундай кечаларда Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласидан бўлган, ўта жиддий, ўткир сўзли, камтарин «Отабек ва Кумуш»ни ёзган Абдулла Қодирӣ ҳам иштирок этарди. Мана шу асар, «Отабек ва Кумуш» («Ўткан кунлар»), чоп этилганида, кўчаларда, маҳаллаларда шов-шув, муҳокамапар кучайиб кетган эди. Абдулла Қодирӣнинг Шимкентга келишини, нима сабабдан асар бундай яқун топангани адибнинг ўзидан сўраш учун муштоқ бўлиб кутишарди. Биз «Отабек ва Кумуш» китоби ҳақида, Кумушнинг заҳарланиб ҳаётдан кўз юмганлигини катталардан эшитиб (чунки китоб

рим билан) тандирдан узилган иссиққина нон, сомсалардан патнисга солиб берарди. Мен ва дугоналарим бундай “топширик”дан хурсанд, чопқилаб, “Отабек



ва Кумуш»ни ёзган ёзувчи амаки» дея дастурхонларига қўйиб келардик. Онамиз: “Секин, шовкин қилмасдан, халақит бермасдан бериб келинглар”, – дерди.

Отамизнинг Абдулла Қодирӣ билан боғимизда сайр қилиб юришганини кузатиб ўтирардик. Олма, узумларнинг шохларини биргаликда боғлаб, кесишлари, шийпондаги суҳбатларини кўрганмиз.

Йиллар ўтиб билдикки, бизнинг уйимизда, шаҳримизда меҳмон бўлиб юрган инсон отиб ўлдирилган. «Мелиса», айни Янги йил кечасида уйдан олиб кетган, ҳеч кимга, ҳатто, оиласига билдирмай “Халқ душмани” деб ўлдиришган экан.

Унинг “Отабек ва Кумуш” китоби чиққанидан кейин (1928) ўғли Ҳабибулла билан келгани, кўпчилик билан суҳбатлар ўтказганини кўрганмиз, деб сўзлаб берган эди, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, бувимиз Асалат ойи. (Суҳбат Асалат ойининг, тахминан, 90-92 ёшларида олинган).

Дарҳақиқат, Абдулла Қодирӣ – Жулқунбой (Муштум) 1894 йилнинг баҳорида Тошкент шаҳри Бешёғоч даҳаси, тўртинчи Эшонгузар маҳалласида дунёга келди. Отаси Қодир бобо йигитлик чоғларида хонларга сарбозлик қилган ҳамда савдо билан шугулланган, кейинчалик,



ҳаммада ҳам бўлмасди), бирини тушуниб, бирини тушунмай, кечаётган жараёндан, гала-ғовурдан ҳаяжонга тушардик. Тошкентлик меҳмоннинг келишини бизга ёқадиган яна бир сабаби, қизлари Назифа, ўғиллари Ҳабибулла ҳам ўзлари билан олиб келиши эди. Уларнинг 5 нафар фарзанди бўлган: Ҳабибулла, Назифа, Аниса... (Маъсуд ва Адибанинг исмларини эсполмади). Биргалашиб боғимизда уйнардик, кўшиқ айтиб, рақс тушардик.

Отам (Комил бойвачча) Абдулла Қодирӣ билан яқин муносабатда бўлганидан, оиладаги 5-қиз, синглимизга Хотима исмини (хотима бўлсин, кейинги фарзандлар ўғил бўлсин деб) қўйишни айтган.

Эсимда, онамиз (Зулфия), Абдулла Қодирӣ – Жулқунбой бизникига меҳмонга келганида, боғимизнинг «этагида» ўтириб, ижод қиладиган жойлари бўларди. Ойим, бизларга (дугонала-

кексайча, боғбонлик қилиб кун кечирган. Онаси Хосият биби уй бекаси бўлган.

А. Қодирӣ уй-музейига, ушбу маълумотлар билан ташрифимиз асносида, адибнинг невараси Хондамир Қодирӣ билан қизгин суҳбат қурдик. Улар келиши эди. Уларнинг 5 нафар фарзанди бўлган: Ҳабибулла, Назифа, Аниса... (Маъсуд ва Адибанинг исмларини эсполмади). Биргалашиб боғимизда уйнардик, кўшиқ айтиб, рақс тушардик. Отам (Комил бойвачча) Абдулла Қодирӣ билан яқин муносабатда бўлганидан, оиладаги 5-қиз, синглимизга Хотима исмини (хотима бўлсин, кейинги фарзандлар ўғил бўлсин деб) қўйишни айтган.

Қодирӣ сувни ичмайди, ўша бир қафт сув билан таҳорат олади ва икки ракаат нафл намозини ўқиб, кейин уни отавериш мумкинлигини айтади. Аскарнинг сўзлаб беришича, Қодирӣ ўлимдан кўрқмаган, киприк ҳам қоқмаган. Бу хотиралар адибнинг “Мен ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан кўрқмайман, агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман” деган сўзларини исботлайди.

1991 йилда Абдулла Қодирӣга “Мустақиллик” ордени, Алишер Навоӣ номидаги Давлат мукофоти берилган. Шунингдек, Абдулла Қодирӣ номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Тошкент Давлат маданият институт, маданият ва истироҳат боғлари, давлат муассасалари ҳамда метро бекатига Абдулла Қодирӣ номи берилган.

Муяссар МУХОНОВА
тайёрлади.

»» Бир сурат тарихи

ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ДАРҒАСИ ЭДИ...

2023 йил 4 сентябрь куни Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби, буюк санъаткор Шерали Жўраев вафот этди.

Хонанданинг вафотидан сўнг ОАВларда жуда кўплаган маълумотлар, эшиттиришлар, давра суҳбатлари намоиш этилди. Улар ҳозир ҳам давом этмоқда.

Бизнинг болалигимиз Шерали Жўраевнинг ҳаёт пиллапояларига тўғри келганди. Чунки у биздан бироз аввал, аниқроғи 1947 йили 12 апрелда дунёга келди.

1968 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентга, олий ўқув юртига ўқишга борганимизда, Ш. Жўраев Тошкент санъат институтининг талабаси эди. У бу вақтга келиб, ўзининг дастлабки кўшиқлари – “Богбон қизи”, “Ухласин”, “Наргиз”, “Оқ қайин” билан кенг ихлосмандларга танила бошлаганди. Шерали Жўраев талаба пайтимиздан энг сеvimли кўшиқчимизга айланган эди. У билан биринчи учрашув ва концерт дастури ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

1970 йил, Тошкент шахрининг Хадра майдонида жойлашган Ҳамза номидаги ўзбек драма театри биносида санъаткорнинг концерти ўтган эди. Театр олдидаги тумонат одам, кўпчилиги талаба ёшлардан иборат. Чипталар сотиб бўлинган, лекин чиптасиз қолган томошабинлар сони концертга чипта олишга улгурган “бахтли” томошабинлардан ҳам кўп эди.

Интизом соқчиларининг қаршиликларига қарамай, чипта ололмай қолган “омадсиз” томошабинлар театрнинг ойнаванд эшикларини синдириб, ичкарига ёпирилиб кирганлари ҳамон ёдимда. Милиция ходимларининг қўлларидан ҳам ҳеч нима келмаган – концертга киритиб юборишди. Театр йўлаклари одамлар билан лик тўлган эди. Концерт шинавандаларда катта таассурот қолдирди. Талабалик пайтимизда ётқоҳонамизда “Серенада” русумли граммпластинкали радиолар бўларди. Шералининг кўшиқлари ёзилган граммпластинкалар хонамизда беҳисоб эди. Айниқса, у пайтларда “Мелодия” пластинкалари жуда оммабоп эди. Шерали Жўраевнинг “Оқ қайин”, “Богбон қизи” сингари пластинкалар тўплами шу даврдаги энг кўп тингланадиган сеvimли оҳанглардан эди.

Хонанда ижодига қизиқиш бир сония ҳам қамаймади. Кейинги йиллардаги унинг ижросидаги аудио ва видеокассеталар кўпчилик кўшиқ ихлосмандларининг фонотекасидан жой олди.

Ҳофиз билан бўлган яна бир учрашув ҳам жуда таъсирли бўлган эди. 2000 йили 27 сентябрь, шанба куни Қорабулоқ кишлоғи марказидаги собиқ ёзги кинотеатр биносида Шерали Жўраевнинг концерти мўлжалланган эди. Сўлим кузнинг салқин кечаси кинотеатр биноси томошабинлар билан лик тўлган, концерт соат 19:00га белгиланган эди. Ҳофиз айтилган вақтда кинотеатр биносига томошабинларнинг гулдурос қарсақлари садосида кириб кел-



ди. Шерали Жўраев бир вақтлар Тошкент шаҳрида ҳамқишлоқ-ҳаваскор кўшиқчи Ҳабибулла Аллануров билан бирга ўқиган. Улар ёшлик, талабалик даврларини эслашди. Дўстлик рамзи сифатида меҳмоннинг кифтига тўн ёпди.

Концертни бадий сўз устаси, Болтабой Тошматов олиб борди. У жуда қизиқарли ўтди. Санъат шинавандалари айниқса, йигит-қизлар ўзларининг чиройли рақслари билан дастурга ўзгача руҳ бағишлашди. Бу концерт ҳақидаги таассуротлар ҳозиргача тилдан тилга ўтмоқда. Мен ҳам баъзан чарчаган пайтларимда ижтимоий тармоқлар орқали ҳофизимизнинг “Шерали Жўраев Қорабулоқда” ҳаволасини топиб, томоша қиламан.

Концерт кишлоғимизнинг ҳаваскор видеооператори Зокиржон Иброҳимов томонидан тасвирга олинган. Дастур давомида Болтабой Тошматов ўзининг ичакузди хангомалари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб турди.

Шерали Жўраев билан навбатдаги учрашув 2018 йил 22 январь куни, Тошкентда “Халқлар дўстлиги” концерт залида ўтди. 2018 йил 19, 20, 21, 22 январь кунлари ҳофиз тўрт кун давомида “Ўзбегим” номли концерт дастурини мухлисларига тақдим этди. Камина ҳам концерт охирида, ҳофизга гулдаста тақдим этиш бахтига муяссар бўлдим. Ҳофизга қорабулоқликларнинг саломини етказганимда, у мамнуният билан қабул қилиб, ҳамқишлоқларимизга ўзининг миннатдорчилигини билдирди. Хотира эсдаликларининг охирида тасвирдагиларга изоҳ бермоқчиман. 2013 йилнинг 12 январь куни, ҳафтанинг якшанба кечаси “Манкент” пансионатида дам олмақда эдим. Нуриддин укам (ҳамкасбим, Фурқат номли ўрта мактаб илмий мудири) телефон қилиб қолибди. Чунки у ҳам мен сингари Шералининг ашаддий мухлиси эди.

Қишлоғимизнинг “Чарос” тўйхонасида Шерали Жўраевнинг фуршет концерти белгиланган эди. Шу куни об-ҳаво жуда совуқ бўлишига қарамай, тўйхона кўшиқ шайдолари, санъат ихлосмандлари билан лик тўлганди. Концерتنинг ўрталарида Шерали чой ичиш учун махсус

ажратилган хонага чиқадиغان бўлди. Бундан хабар топиб, биз дарҳол Нуриддин икковимиз Шерали Жўраев ҳузурига шошилдик. 7-8 дақиқа давомида жуда ширин ва мазмунли суҳбат бўлди. Суҳбат давомида Шералининг ўта камтарлиги, ўта маданиятли, ўз касбининг моҳир устаси эканлиги билиниб турди. Биз оддий ихлосмандларга бу концертни янада юксак даражада ўтказиш учун, “ёз пайтларида катта жой, ўйингоҳлар танланглар, мен келиб ўтказиб бераман”, деди. Ҳатто бизга маъмурининг телефон рақамини қолдирди. Бироздан кейин ҳофизнинг кенжа ўғли Зоҳиршоҳ ҳам даврамизга қўшилди. Бахтиёр фотограф укамиздан эсдалик учун расмга туширишни илтимос қилдик. У бу тарихий учрашувни мангуга муҳрлаб қўйди.

Шерали Жўраев ўзбек санъатининг дарғаси, устуни эди. У ўзининг 50 йилдан ортиқ ижоди давомида 600дан зиёд барҳаёт кўшиқлар яратди.

Шоир айтганидек: “Умрлар борки, тирклигида ўликдир, умрлар борки, ўлган ҳолда ҳам тиркидир”. Бу сатрлар худди бизнинг қаҳрамонимизга айтилганидек, 71-баҳорни қаршилаган ҳофиз кўшиқчилиқда улкан иш қилди, халқ юрагида чуқур из қолдирди. У тирклигида ўзига ҳайкал қўйиб кетди, десак муболага эмас.

Ҳофиздан қолган бог – унинг кўшиқлари ўзбек хонадониде узоқ йиллар жаранглаб туради. Ҳофизнинг “Ўзбегим қасидаси”, “Биринчи муҳаббатим”, “Онагинам”, “Карвон”, “Сарбон” кўшиқлари ўзбек кўшиқчилигининг “олтин жамғармаси”дан ўрин олган. Шерали Жўраевнинг кўшиқларига мангулик муҳри босилган. Шерали – исёнкор ижодкор. Унинг кўшиқларида оҳанглар такрорланмайди. Ўзбек миллатининг ўзбек эканлигини эслатиб туришга хизмат қилган инсон Шерали Жўраевдир. Кўшиқнинг сўзларини дард билан етказиб беради. Улуғ санъаткорнинг кўшиқларини эшитган сайин, тинглагинг келаверади. Яратгандан охиратлари обод бўлсин, деб сўраб қоламиз.

Турсунқул СУЛТОНҚҮЛ ўғли,
фахрий устоз- мураббий.



ШОҲБАЙТ

"СЕНГА БОР ЭСА СЎЗ БИЛУРДИН МАЗОҚ,
ЎЗУМ САРИ БОҚМА, СЎЗУМ САРИ БОҚ".

Алишер НАВОИЙ.

(ТАБДИЛИ: "АГАР СЕНДА СЎЗ МОҲИЯТИНИ БИЛА ОЛИШЛИК ҚОБИЛИЯТИ БЎЛСА, ЎЗИМГА БОҚМА, СЎЗИМГА БОҚ").

"ТИЛ – БАМИСОЛИ ЧОЛҒУ АСБОБИ: У ЭҶТИМОЛ ҒИЖ-ЖАҚДАН ҲАМ НОЗИК ВА МУРАККАБДИР. ЯНА ШУНИ АЙТИШ ЛОЗИМКИ, ТИЛНИ ҲАМ, ҒИЖАКНИ ҲАМ ЎЗАКИ БИЛИШГА ТОҚАТ ҚИЛИБ БЎЛМАЙДИ".

Петр ВЯЗЕМСКИЙ, рус шоири.

– АГАР ЎЗБЕКЛАР БОШҚА ИШЛАРГА ҲАМ ОШГА КЕЛГАНДЕК БИРЛАШИБ, ЙИГИЛА ОЛГАНЛАРИДА ЭДИ, ДУНЁДА БУНДАН ҚУДРАТЛИ МИЛЛАТ БЎЛМАС ЭДИ, – ДЕГАНИДА ЙИРИК ДАВЛАТ АРБОБИ АЛИХОНТУРА ШОКИРХОНТУРА ЎҒЛИ СОҒУНИЙ ҲАҚ ЭДИ.

"ФИКР ЭРКИН БЎЛМАС ЭКАН, ФИКРНИ ИФОДА ҚИЛИШ ИМКОНИ БЕРИЛМАС ЭКАН, У ЕРНИ ЁЛҒОН ТЎЛАЛИГИЧА ЎЗИНИКИ ҚИЛИБ ОЛАДИ. ФИКР – ШАХСЛАРНИНГ БОРЛИГИНИ НАМОЁН ҚИЛУВЧИ САҲНА. ШАХСНИ ТАСДИҚЛОВЧИ ДАЛИЛ.

ЖАМИЯТНИ ОЛОМОНЧИЛИК ХОҲИШИ ЭМАС, ШАХСЛАРНИНГ ФИКРИ, УЛАРНИНГ АҚЛУ ИДРОКИ ЯНГИЛАЙДИ. ФАҚАТ ФИКРИНА ЯНГИЛАНИШГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ".

Назар ЭШОНҚҮЛ, ёзувчи.

УЧ ЭЛАК ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бир киши донишманддан сўради:

- Дўстингиз сиз ҳақингизда нима деганини айтийми?
- Шошма, – деди донишманд, – аввал айтмоқчи бўлган гапингни учта элакдан ўтказ...
- Учта элак?
- Бирор гапни айтишдан олдин, уни учта элакдан ўтказиш лозим. Аввал ҲАҚИҚАТ элагидан. Айтмоқчи бўлган гапинг ҳақиқат эканлигига ишончинг қомилми?
- Йўқ, мен уни шунчаки эшитдим, холос.
- Демак, сен унинг рост ёки ёлғонлигини билмайсан. Энди иккинчи – ЯХШИЛИК элагидан ўтказамиз. Сен менга дўстим ҳақида бирор яхши гапни айтмоқчимисан?
- Йўқ, аксинча.
- Демак, – давом этди донишманд, – сен менга ҳақиқатлигини билмай туриб, ёмон хабарни етказмоқчисан. Энди учинчи элакдан ўтказамиз – ФОЙДА элаги. Сенинг гапингни эшитишим шартми, у менга фойда келтирадимми?
- Йўқ, ҳожати йўқ.
- Демак, – хулоса қилди донишманд, – сен етказмоқчи бўлган хабарда ҳақиқат ҳам, яхшилик ҳам, фойда ҳам йўқ экан. Унда уни менга айтиб нима қиласан?

"Ибрат соҳиллари"дан.

»» Саломат бўлинг

УМУРТҚАЛАРАРО ДИСК ЧУРРАСИ – ХАЛҚОНА ДАВОСИ

Бел оғриғидан шамолладим, деб ўйладим. Аммо шифокорга кўринганимда, "диск чурраси" дейишди.

Отамнинг дўсти тавсия қилган халқона усул жонимга оро кирди.

Уларнинг тавсияларига амал қилдим ва бел оғриғидан (диск чурраси азобидан) фориғ бўлдим.

* 1 дона пиёз илиқ сувда ювилади, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Унга 4 ош қошиқ асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнг аралашмани оғриқ жойга суриш тавсия этилади. Муолажа давомийлиги 20 кунгача давом этади.

ГЕМОГЛОБИННИ ОШИРИШНИНГ ТЕЗ ВА САМАРАЛИ УСУЛИ

* 300 гр. хом сабзи ва лавлагини катта тишли қирғичдан ўтказиб, 300 гр. асал қўшинг. Барчасини аралаштиринг ва музлатгичга қўйинг.

Кунига 1 марта эрталаб овқатланишдан олдин 1 ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Бир ҳафта ичида гемоглобин меъёрига етади.

ҲАЁТ УЛАШАЁТГАН “ҲАЁТ” КЛИНИКАСИ

Соғлиқ бўлса, олам гўзал, Табассумлар, одам гўзал, Боглар гўзал, тоғлар гўзал, Ҳар онлар-у, чоғлар гўзал, – деганларидек, барча нарса тинчлик билан соғлиқка боглиқ экан. Яқинда соғлиқни мустаҳкамлаш мақсадида Сайрам даҳасида барпо этилган шифо масканида дам олишимга тўғри келди. Эшиқдан кирганингдан, салом-алик, гўзал муомала, табассум, тозалик бир дамда кайфият кўтарилади. Қалбингда аъло ҳислар уйғонади. Миннатдорчилик туйғулари ўрин олади, дадиллашасан, биринчи эмас, кўп бор келиб юргандек қадамларинг тезлашади.

Инсон учун ширин сўз, муомала биринчи ўринда туради. Бу ердагилар бир оилда тарбиялангандек. Доимо юзда табассум, ширин сўз, муомалада етуклик мужассам. Гиппократ қасамига содиқ соғлиқ посбонларининг хизматиға тасаннолар айтасан. Албатта, шу маскан раҳбарининг кундаликдаги қатъий талаби-ю, саъй-ҳаракатларига кўп нарса боглиқ. Шахсан мени қувонтиргани – барча бўлимларида “Жанубий Қозоғистон” газетасининг бисёрлиги бўлди.

Мен ўзимнинг дил сўзларимни сеvimли газетамиз орқали билдиришни ният қилдим ва қўлимга қалам олдим.

Шифокорлар Камола Маҳаммедова ва Нилуфар Раҳметовага, ҳамширалар Гавҳарой Исоҳужаева, Динора Расулметова, Малика Шоабдираимова, Саломат Зиёметова, Нилуфар Одилхоноваларга самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман. Эл-юртнинг, одамларнинг олқишини олаверинглар. Дам олиб, даволаниш ниятида юрганларга “Ҳаёт” клиникасига келинг, ҳеч афсусланмайсиз, дегим келади.

Саиджон ҚОРАТОВЕВ,
фахрий устоз.
Тўлебий тумани,
Хонариқ кишлоғи.



ҚАЛБЛАРГА МЕҲР УЛАШИБ, ёхуд «Кўринмас қаҳрамонлар» жасорати

«Кўринмас қаҳрамонлар», яъни кўнгиллилар холис хизмати билан қалбларга меҳр улашмоқда.

2013 йили болалар уйлари тарбияланувчиларига моддий ва маънавий ёрдам бериш мақсадида ташкил этилган «Ҳаёт – мўъжиза» жамғармаси фаоллари ўтган давр мобайнида етим болаларга минглаб китоблар, ширинликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳадя қилиб, ижодий учрашувлар ташкил этишди. Уларни кўнгиллилар ижтимоий тармоқлар орқали тўплашди.

Ҳозир кўнгиллилар эҳтиёжманд оилалардан ҳам ёрдамини аямаяпти.

Улардан ҳеч қайсиси исм-шарифи бирон жойда айтилишини исташмади.

– Сафимизга қўшилишни истаганлар инстаграмдаги @jizn_kak_chudooo саҳифамиз орқали аъзо бўлишлари мумкин, – деди улардан бири. – Саовоб иш мактаниш учун қилинмайди. Бир қўл бергани иккинчи қўл суратга тушириш аънамага айланяпти, бунинг ҳеч ҳазм қила олмаймиз. Бизга фақатгина «рахмат» сўзининг ўзи кифоя.

– Синфимизда бир қиз бўларди, – деди улардан яна бири. – Мактабимиз хўжалик мудири унга ажратилган кийимларни бутун синфнинг кўз

олдида топшириб чиқиб кетарди. У қиз «моддий ёрдам» деб берилган кийимларнинг биронтасини ҳам киймасди. Уйига кетаётиб, кўприкдан сувга улоқтириб юборарди ва ўпкаси тўлиб йиғларди.

Жамғарма аввал ёрдамга муҳтожлар рўйхатини ўрганиб чиқади ва энг оғир танловни амалга оширади. Уларнинг ҳар бирига ёрдам беришни исташади, маблағ эса ҳисобли.

Жамғарма фаоллари сони йилдан йилга ортмоқда.

Шаҳноза ОКТЯБРОВА.

САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК САОДАТИ

ТУРКИСТОН ШАҲРИДАГИ МАЪРИФАТПАРВАР МЕЦЕНАТ
САИДНОСИРБОЙ МИРЖАЛИЛОВ АСОС СОЛГАН ҲАМЗА
НОМЛИ МАКТАБНИНГ 105 ЙИЛЛИК ХАЛҚАРО ТҶИИ



ҚУЁШ НУРИНГ СОЧАВЕР МҲЛ-МҲЛ

Туркистон шаҳридаги вилоятда пешқадам ва намунали таълим даргоҳи, жами 210 нафар муштарийларимиз меҳнат қиладиган Ҳамза номли мактабнинг жорий йил 14 октябрга белгиланган 105 йиллик тантанасига тайёргарлик газетамиз саҳифаларида мунтазам ёритилиб, ахборий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Тўйдан бир кун аввал ёққан ёмғир, изғиринли шамол ўрнини эртасига атрофга заррин нурларини саҳийлик ила сочган саховатли куз қуёши эгаллади. Мўъжиза каби ёқимли воқелик бўлди. Асрлар оша маънавий-тарбиявий аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган кўп жилдди «Девони Ҳикмат» китоби ҳамда «Ҳақиқатта бошловчи энг тўғри йўл – илм йўлидир» таълимоти муаллифи – Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг Соҳибқирон Амир Темур қурдирган маҳобатли макбарасига яқин жойлашган, қадрли меҳмон ва сермулозамат мезбонлари умумий сони ярим минг нафардан зиёд, «Сон-алвон лочин шогирдларин учирма қилган тарихи теран мактабим – 105 ёшда» («Самғатқан сан қыранды тарихқа бай мектебим – 105 жаста») мавзuida театрлаштирилган, тарихий–маърифий халқаро тадбир байрамона безатилган мактаб ҳовлисида бошланди. Турли йилларда мактаб ҳовлиси ва спорт майдони атрофидаги югуриш майдонини доимий обуначиларимиз – «Ақ жол» корхонаси раҳбари Собир Отаев, «Тас жол» ва «Азрет жол қўрылыс» МЧБ раҳбарлари Олимжон Исетов ҳамда Аминжон Бобоновлар асфальтлаб, ҳоимийлик ёрдамини кўрсатишган.

Бир хил расмий либосдаги ўқитувчилар, аср аввалги тарихни ифодаловчи миллий кийимдаги ўқувчи ёшлар байрамга келаётган қадрли меҳмонларни мактаб директори Дилбар Дийметова, касба уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Абдураимов, мактаб ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Хусан Убайдуллаев, директор ўринбосарлари, фан бирлашма раҳбарлари, устозлар, ота-оналар кўмитаси раиси Азиз Бойқузиёвлар – кўпчилик жамулжам хуштавозелик билан карнай-сурнай садопари остида тантанали қарши олишмоқда. Мактаб ҳовлисида гиламлар тўшалиб, ўриндиқлар қўйилган, сахна байрамона

Мухаммаджонов, меҳнат қаҳрамонлари Эргаш Иззатуллаев, Майшай Абенова, «Жанубий Қозоғистон» газетаси таҳририяти фаол иштироки ҳамда Туркистон шаҳар, Қарноқ кишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмалари саъй-ҳаракатлари ила исмлари мактабларга берилётган таниқли адиблар Одил Ёқубов, Носир Фозиловлар ҳам шу мактабда таҳсил олишган. Совет Иттифоқи даражасидаги спорт ҳаками ва мураббийлар Раҳим Абдусатторов ва Мамаш Умаровлар, мактаб асосчиси Саидносирбойнинг олима кизи Зарифа Саидносирова ҳамда 24 нафар афгон уруши фахрийларини ҳурмат ила тилга оламиз.

Халқпарвар, маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси



Саидносирбой Миржалилов ҳоимйлигида 1913 йили асос солинган ушбу мактаб 1918 йилдан ўқув даргоҳи сифатида расмий фаолиятини бошлаган. 1917 йили С. Миржалилов тақлифи билан 29 ёшли оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Қўқондан Туркистонга келган. Ҳамза Ҳакимзода беш ойдан зиёд Туркистонда яшаб, С. Миржалилов ҳоимйлигида барпо этилган биринчи ўзбек мактабиди муаллим бўлиб меҳнат қилган.

сатрлари муаллифи, инқилоб шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номи мактабга мустақиллиқнинг ilk йиллари – 1922 йили директор Гулнара Мирзаметова раҳбарлик қилган даврда берилди. 10 нусха «Жанубий Қозоғистон»нинг доимий жамоатчи муштарийси, мактаб бошлангич ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ҳамда мактаб тарихи китоблари муаллифи Хусан Убайдуллаевдан олинган маълумотларга кўра 1924 йили



безатилган. Доимий обуначиларимиз, мактаб тўйи ҳоимйлари – шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Баҳодир Ирисметов, ўринбосари Муталиб Умаров, уруш қаҳрамони Расул Исетовнинг тадбиркор ўғли Олимжон Исетовлар билан биргаликда «Кенес Одағи»нинг батыри туркистандык Расул Исетов» номли юксак ноширлик андазалари асосида чоп этилган китоб (Олимжон Расул ўғли ҳоимйлигида нашр қилинган) мактаб музейида директор Д. Дийметовага биргаликда топширдик. Расул ота каби Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланган Қўрбонбой Ирисбеков ва Файзулла Йўлдошевлар ҳам шу мактабда таҳсил олган. Урушдан сўнг кўп йиллар Туркистонда, кейин Наманган шаҳрида истиқомат қилган уруш фахрийси Файзулла Йўлдошевнинг ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этган ўқитувчи Раъно Абдулақимова ўз ўқувчилари билан байналмилал дўстлик клубини ташкил қилиб, Ўзбекистоннинг Наманган шаҳрига бир неча бор саёҳат уюштирган ва Файзулла Йўлдошев билан учрашув ўтказган. Мактабнинг собиқ раҳбари, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Замир Мухаммаджоновнинг падари бузруквори, шаҳар уруш фахрийлари кенгаши раиси сифатида самарали меҳнат қилган гвардиячи полковник Олимжон



ЭРУР ИЛМУ АДИБ, ФАЗЛУ ХУНАР ОСАР МАКТАБДИН...

Эрур илму адиб, фазлу хунар
осар мактабдин,
Етар ҳар бир рудбаи олий эса
такрор мактабдин,
Ҳамма гулшан уза ёмғир ёғуб чун
сабзавор этса,
Тараққий гулшани обод ўлур
анҳор мактабдин,

мактабга инқилоб даври жамоат арбоби М. И. Калинин номи берилган. 1930 йили етти йиллик, 1935 йилдан бошлаб тўлиқ ўрта мактаб мақомига эга бўлган. 1964 йили, яъни қарийб олтимиш йил аввал мактабнинг ҳозирги уч қаватли ўқув биноси фойдаланишга топширилади. Орандан уч йил ўтгач, 1967 йили мактабнинг ярим асрлик юбилеи тантанали нишонланди. Сўнг олтимиш, етмиш йиллик тадбирлар ўтказилди.

си Райимжон Қўчқоров, шаҳар маслаҳати депутати Дониёр Аюпов, Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, Қозоғистон халқи Ассамблеяси аъзоси Баҳодир Ирисметов, қўшни Ўзбекистондан ташриф буюрган расмий делегация раҳбари, фан доктори – академик, мактабнинг собиқ битирувчиси Жамила Толипова, шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Жарқинбек Қўлбайимбетов, меҳнат фахрийси Дониси Маннотов, собиқ битирувчи, шаҳар сайлов комис-

сияси раиси ўринбосари Зокир Бекеновларнинг мактаб ўқитувчилари жамоасига самимий табриклари зўр олқишлар билан қутиб олинди. Мактаб жамоасининг муштарак қарори билан ҳар бир фахрий меҳмонга бошқа совғалар қаторида «Жанубий Қозоғистон» газетаси ҳам туҳфа қилинди. Тўйга узрли сабаб билан қолмаган доимий ҳоимйлар – жамоатчи обуначиларимиз, туркистонлик уруш фахрийси, марҳум Маҳкамбой отанинг Ҳимматли тадбиркор фарзандлари, ака-ука Мирзахон ва Ғайрат Акешовларга кўпчилик номидан миннатдорчилик билдирамыз.

ТҶЙ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДА ЎТДИ

Ўзбекистондан ташриф буюрган делегацияни фан доктори, академик Жамила Толипова бошлаб келди. У билан мусоҳабани баҳорда Туркистонда ўтган синфдошлар учрашувида доимий обуначимиз Шерхон Абиллов тақлифи билан чоп этгандик.

Газетамизнинг фаол муаллифи, маориф соҳаси раҳбари, марҳум Одил Толиповнинг синглиси Ж. Толипова ҳам шу мактабда таҳсил олган. Тошкентлик меҳмон байрамнинг ташкил этилиши, Саидносирбой ва Ҳамзаларнинг ўтган асрдаги тарихий суҳбатини миллий либосдаги ўқувчилар ва маданият ҳодимлари томонидан юксак савияда ижро этилганини таъкидлади. Туркистон шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Жарқинбек Қўлбайимбетов, бувилар кенгаши раисаси Улжан Мустафаевалар мактаб жамоасининг шаҳар ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини эътироф ила таъкидлаб, директорлар Почтахон Баратов, Абдуҳошим Жумадуллаев, Гулнара Мирзаметова, Замир Мухаммаджоновлар аънанасини шараф ила давом эттираётган жамоа раҳбари Дилбар Дийметовага муваффақият тиладилар. Ҳамза номли мактабнинг ўзига хос аънавалари кўп, барчаси авлодлар бирлиги ва ворисдошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Самарали фаолият ва ҳамжиҳатлик саодати – мактаб ютуқлари мустаҳкам пойдеворидир. Байрам концертига уланган тадбир поёнида Туркистон осмонига мактаб ҳовлисида рамзий «105» рақами ёзилган шарлар гулдурос олқишлар ила учирилди.



Тадбирда сўзга чиққанлар кўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳамза номли мактаб доимо юксак марраларни забт этишини тиладилар. «Давлат 2» тўйхонасида байрам дастурхони устида ҳам эзгу тилаклар билдирилди. Турли йилларда мактабга раҳбарлик қилган собиқ директорлар Гулнара Мирзаметова, Замир Мухаммаджонов ҳамда бугунги раҳбар Дилбар Дийметовалар биргаликда табрикладилар. Мана шу бебаҳо бирлик, ҳамжиҳатлик, барака барчага ибрат бўлсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.
Муаллиф ва Ҳусниддин
Орифжоновлар суратга олган.

P.S. «Жанубий Қозоғистон» газетаси таҳририяти ҳам ушбу тўйда бел боғлаб, сидқидилдан ҳолис хизмат қилди. Директор Дилбар Дийметова келгуси 2024 йилнинг биринчи ярмига 200 нусха «Жанубий Қозоғистон» обунасини шартнома орқали энг биринчилардан бўлиб расмийлаштирди. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Хусан Убайдуллаев аънанавий 10 нусхани фахрий ҳордиққа чиққанамдан сўнг ҳам давом эттираман, дея, ҳамкасбларини ҳам фаолликка даъват этди. 105 ёшдаги Ҳамза номли мактабнинг 210 нусхалик ибратли обунаси вилоятимиздаги барча мактабларга ўрнат бўлиши керак.